E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Туяқушларнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Эргашев Қаххор

Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот инситути (PhD) таянч докторанти

Калит сўзлар: Туяқуш, Эрон, популяция, адаптация, Россия, экстремал, экстерьер, Африка.

Аннотация: Ўзбекистондаги туяқушларнинг тухум ва гўшт маҳсулдорлигини ўрганиб бориш, уларни истемолга кўпайтириш , тухум ва гўшт маҳсулдорлигини яхшилаш**.**

Аннотация: Изучения яичной и мясной продуктивности страусов Узбекистана, разведение их для потребления, повышение яичной и мясной продуктивности.

Annotation: Studying egg and meat productivity of ostriches in Uzbekistan, breeding them for consumption, improving egg and meat productivity.

КИРИШ

Паррандачилик қишлоқ хўжалиги ва хонадонларда паррандаларни кўпайтириш билан шуғулланувчи аҳоли орасида кенг тарқалган ва жадал ривожланаётган асосий йўналиш ҳисобланади. Айни даврда статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2021 йилда жами 90 млн атрофида парранда боқилиб, унинг 56 % деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида, 31 % “Паррандасаноат” уюшмаси тизимидаги ихтисослашган паррандачилик корхоналарида ва 13 % фермер хўжаликларида етиштирилмоқда. Туяқуш узоқ яшовчи парранда булиб 40 йил давомида кўпайиш хусусиятини йўқотмайди, бу давр ичида 1 бош урғочи туяқушдан 70 тонна парҳез гўшти, 2000 м^2 тери ва таҳминан 1500 кг. туяқуш патларини олишимиз мумкин. Етук ёшдаги туяқушлар бўйи 230-270 см гача етади. Шу билан бирга эркагини тирик вазни 150-175 кг.гача, урғочиларининки 120-130 кг гача бўлади.

Африка туяқушини 3 тури мавжуд бўлиб, қора, пушти ва ҳаво ранглилари кўп тарқалган. Қора рангдаги туяқушлар Мали туяқушларини Жанубий Африка туяқушлари билан чатиштириш орқали келиб чиққан. Туяқушнинг бу тури кўпайтириш учун бизнинг шароитга кўпроқ тўғри келади, хамда қўлга тез ва осон ўрганади.

Мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Четдан олиб келинган Африка туяқушларини маҳаллий шароитга мослаштириш минтақа кесимидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тухум, гўшт маҳсулдорлигига ва унинг сифатига таъсирини, экстеръери ва хўжалик фойдали белгиларининг фенотип ўзгаришларини аниқлаш ва илмий асослаш зарурлиги илмий ишнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан иқлим шароитига Африка туяқушининг шаклланган галаларни маҳсулдорлигини ошириш ва ўзига хос парваришлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-Эрон ва Россия популяцияси туяқушларини маҳаллий шароитда тухум маҳулдорлигига ва сифатига таъсирини ўрганииш.

-Эрон ва Россия популяцияси туяқушларини маҳаллий шароитда тухум маҳсулдорлигига ва сифати бўйига иқтисодий самарадорлиги.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Африка туяқушининг Эрон ва Россия популяцияларининг тухум маҳсулдорлиги, инкубацияга яроқлилиги, жўжа очиш фоизи, сақланиши, экстерьер кўрсаткичлари, тухум ва гўшт сифатларини ўрганиш;

-Африка туяқушларини маҳаллий шароитда асраш ва озиқлантиришнинг тухум маҳсулдорлигига ва унинг сифатига таъсирини ўрганииш;

- Четдан олиб келинган Африка туяқушларидан олинган авлодларининг маҳсулдорлиги ва махсулотлари сифати, тана тузилишлари ўзгариши илмий асосланади ва уларнинг ўзаро боғлиқлик кўрсаткичларини аниқлаш.
- Хўжаликда африка туяқуши боқишнинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилади ҳамда ишлаб чиқаришга тавсияномалар ишлаб чиқилади.

Амалга оширилаётган ишлар: Қадимдан юртимизда инсонлар ўз эҳтиёжлари учун тухумдор товуқларни боқиш, гўшт типидаги паррандалар, сайроқи қушлар, овчи йиртқич қушлар билан шуғулланиб келишган. Уларни саралаб, пуштдор товуқлар галасини яратишган. Туяқушлар ер фаунасининг энг йирик қанотлилар вакили ҳисобланади. Инсон қишлоқ хўжалигига қизиқишни бошлагандан бери, туяқушлар ҳам уларнинг эътиборини тортган. Туяқуш патларига инсонлар ҳар доим алоҳида эътибор қаратиб келган. Мисрда, Фиръавн даврида ҳам туяқуш патларини симметри тузилиши туфайли адолатлилик (ҳаққонийлик, одиллик) белгиси деб ҳисобланган. Нафақат Миср савдогарлари, балки Вавильон ва Осурийлар ҳам туяқуш патлари билан жадал савдо олиб боришган.

Вақтлар ўтиб туяқуш патлари бутун дунёда нафис безак ҳисобида жуда катта машҳурликка эришди. Уларни кийимлар, елпиғичлар ишлаб чиқаришда ва бошқа қисмлар, тафсилот, деталларга зеб-зийнат беришда кенг қўлланилган. Туяқуш патларидан ясалган хотин-қизлар пар шарфи ҳозирги вақтда ҳам моданинг муҳим элементи сифатини йўқотмаган.

Туяқушчиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳам инсоният эътиборидан четда қолмаган. Қадим замонларда жуда мазали таъмга эга бўлган парҳез туяқуш гўшти учун уларни ов қилиш оммалашган. Ундан ташқари улардан олинган терилари кийим тайёрлашда ишлатилган. Туяқуш тухумларидан суюқликларни сақлаш учун идишлар сифатида фойдаланишган. Инсонлар туяқушларни ўзлари қўл остида доим ушлаб туриб, боқилганда қанча фойда келтиришини англаб етгандан кейин уларни ушлаб тутқунликда боқишни ташкил эта бошлаганлар. Европага туяқушлар XIII асрда кириб келади, шу даврнинг замонавий, ўзини ҳурмат қиладиган рицарлари ўз дубулғасини ҳурпайган туяқуш патлари билан безатишни лозим деб билган.

Ҳозирги вақтда фақат Европанинг ўзида 500 дан ортиқ яхши ривожланган туяқушчилик хўжаликлари мавжуд. Айниқса, Бельгия ва Франция давлатларидаги фермерлар орасида туяқушни боқиш оммавий тус олган.

Кейинги йилларда Молдова, Кавказ, Болтиқбўйи, Россиянинг Краснодар ўлкаси ва Волгоград вилоятларида туяқушчилик фермаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Туяқушларнинг конституцияи ва ташқи қўринишлари, шунингдек унинг бошқа сифатлари бўйича баҳолаш уларнинг насллилик ва маҳсулдорлигини келажакда тўғри кўрсата олади. Бу галалар кўрсаткичлари юқори технологиялар билан жихозланган ва кетма кетликда ташкил этилган ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ва талофатсиз ишлашини таъминлайди.

Туяқушнинг конституцияси бўйича алоҳида баҳолаш агарда ушбу чорва моли подани ёки парранда галасисини тўлдиришга ишлатилсагина амалга оширилиши мумкин. Бу ишлар наслчилик ишларида қўлланилмаса катта аҳамиятга эга эмас. Бундай холатларда одатда бу чорва моллари ва туяқушлар гўштга боқилади ёки бошқа ишчи мақсадларда фойдаланилади.

Технологик усулларнинг хилма-хиллиги паррандаларнинг яшаш муҳитини ўзгартиради ва уларнинг фенотипик шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида уларнинг ирсий маҳсулдорлиги салоҳиятининг намоён бўлишидаги турли натижалар ва фарқларга олиб келади. Охирги йиллари эса турли сабаблар билан паррандаларнинг турли зотлари ва технологиялари Ўзбекистонга кириши билан мамлакатимизнинг иссиқ шароитларида турли хўжаликлар ва аҳоли хонадонларида уларнинг фенотипларини ва улар асосида яратилган паррандалар орасидан технологияларга мос юқори маҳсулдорларини эрта танлаш орқали паррандалар маҳсулотларини кўпайтириш устида илмий ишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Хулоса.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Туяқушларни Ўзбекистон шароитига мослаштириб улардан тухум ва гўшт олиш, халқни озиқ-овқат таъминотида хизмат қилиш учун уларни махсулдорлигини ошириш ва яхшилаш. Халқимизни холестиренсиз тухум ва гўшт билан таъминлаш. Кам харажатли, кўп махсулот олиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576 сонли “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
2. А.Т.Исабаев, Ҳ.И.Нормуҳамедов. “Туяқушларни парваришлаш бўйича тавсиялар”.
3. А.А.Ариков “Страусоводство-новая отрасль сельского хозяйства” Птицеводство, 2003, №3,стр.77-85.
4. www.xabar.uz – internet sayti. “Tuyaqush boqing! Xarajati kam, daromadi mo‘l” 18.05.2018.

WORDLY
KNOWLEDGE